

## ИСПАНИЯ ГАЗЕТАЛАРИДА ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10366758>

**PhD. Махфуза АРТИКОВА,**

Тошкент давлат шарқшунослик университети катта ўқитувчиси,

Тошкент, Ўзбекистон

Тел.: +998935136468; Email: [martikova@gmail.com](mailto:martikova@gmail.com)

**Аннотация:** Медиа матнлари замонавий жамиятдаги муайян маданиятнинг асосий қадриятлари ва устуворликларини акс эттиради. Бу, айниқса, жамоатчилик онгига таъсир қилиши, қарашларни шакллантириши ва одамларнинг хатти-ҳаракатларини бошқариши воситаси сифатида ишлатиладиган газета матнларида яққол акс этади. Мақолада испан газеталарида рўй бераётган янги лисоний тенденциялар, жумладан ўзлашма сўзларнинг кенг қўлланиши ва унинг матнни стандартлаштириши ҳамда экспрессивлаштиришидаги роли ёритилган.

**Калит сўзлар:** медиа-матн, газета, стандартлик, экспрессивлик, ўзлашма сўзлар, неологизмлар, ижтимоий-сиёсий муҳит.

**Аннотация:** Медиа-тексты отражают основные ценности и приоритеты той или иной культуры в современном обществе. Особенно это проявляется в газетных текстах, которые используются как средство воздействия на общественное сознание, формирования мнений и управления поведением людей. В статье освещаются новые лингвистические тенденции в испанских газетах, в том числе широкое использование идиом и их роль в стандартизации и выразительности текста.

**Ключевые слова:** медиатекст, газета, стандарт, выразительность, заимствованные слова, неологизмы, общественно-политическая среда

**Abstract:** Media texts reflect the basic values and priorities of a particular culture in modern society. This is especially evident in newspaper texts, which are used as a means of influencing public consciousness, forming opinions and controlling people's behavior. The article highlights new linguistic trends in Spanish newspapers, including the widespread use of idioms and their role in standardization and expressiveness of the text.

**Key words:** media text, newspaper, standard, expressiveness, borrowed words, neologisms, socio-political environment.

Муайян вақт ичида содир бўлган матбуот тили ва услубидаги ўзгаришлар унинг мазмунини янада самарали идрок этишни таъминлаш учун маълум бир аудиторияга қаратилган газета матнининг турини белгилайди. Бу жамият онгининг шаклланиб боришига таъсир қилади.

“El País”, “El Mundo”, “ABC” каби замонавий испан тилидаги даврий нашрларнинг газета-журналистик услуби матнларини таҳлил қилиш натижасида лексик компонентлар испан миллий менталитетининг асосий элементларини акс эттириши маълум бўлади.

Испания матбуотининг газета ва журналистик услубининг асосий хусусиятлари, газета-журналистик услуб муаммолари Грихелмо, Ферраро, Мартинез, Нуньез, Сантамария каби олимларнинг тадқиқотларида ёритилган. Мазкур тадқиқотлар натижасига кўра, қуйидаги хулосаларга келинган:

- Испаниянинг газета-журналистик услуби “стандарт-экспрессив контраст” муносабатида бўлган турли хил лингвистик воситалардан фойдаланган ҳолда ахборот ва таъсир функциясини бажаради;

- ушбу тамойилни қўллашдаги фарқлар жанрга, муаллифнинг позициясига, маданий контекстга ва лингвистик идеалларга боғлиқ;

- газета-журналистик услуб ҳам кўнгилочар вазифага эга ҳисобланади;

- ижтимоий-сиёсий матнлар аниқ таъсир этувчи услубга эга бўлади;

- оммавий матнларни яратиш ва тушуниш жараёнида индивидуал когнитив моделлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий тушунчалар ва миллий ва маданий маълумотларга эгалик қилишдаги фарқлар янгиликларни турлича талқин қилишга олиб келиши мумкин;

- испан тили жуда кенг ёйилганлиги сабабли турли хил миллий вариантларда лексик ва грамматик воситаларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Мазкур жараён газета тилига ҳам тегишлидир.

Испан тилидаги газета ва журналистик услубдаги оммавий ахборот воситаларида янги сўзларни қўллаш сўз бойлигини бойитишнинг ажралмас қисмига айланган, яъни бу жараён янги испанча сўзларнинг ривожланишини кутмасдан янги ғоялар, ходисалар ва атамаларни самарали ва аниқ етказиш имконини беради.

Дунёда айрим тилларга хорижий сўзларнинг ўзлаштирилишини олдини олишга қаратилган ҳаркатлар мавжуд. Аммо испан тили ўзлашма ва янги сўзларга нисбатан очиқроқ ва бағрикенг муносабати билан ажралиб туради. Испан маданияти тилни фаол ҳимоя қилиш стратегиясини қўллаш ўрнига, аксинча бошқа тиллар ва янги лексик белгиларнинг таъсирини тўғри қабул қилади.

Шу билан бирга, мазкур услуб ўзлашма сўзлар ва неологизмлар туфайли лексик бирликлар доирасининг кенгайиши билан ҳам тавсифланади. Масалан: *Los jóvenes chinos huyen del matrimonio pese al auge de los 'realities' de corazón; En China, hay un canal de streaming llamado Mango TV, controlado por un servicio de radiodifusión estatal, que es muy popular entre los jóvenes gracias a los reality shows (El mundo, 10.10.2023); Hay uno en el que ocho millennials solteros se encierran durante un mes en una casa; La reina Letizia lleva los zapatos slingback que mejor combinan con vestido midi (Telva, 10.10.2023).*

Газета-журналистик услубнинг луғати испан маданиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи ҳиссий ва ифодавий ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Унда сўзлашув услуби, содда гаплар ва жаргон иборалар, шунингдек, информацион, мулоқот қилувчи ва таъсир қилувчи функцияларни бажарадиган номинатив воситалар мавжуд. Айрим ҳолларда испан журналистик услубининг синтаксиси соддалашиши, яъни сўзлашув услубига яқинлаштирилиши (кенг аудитория яхши янглаши учун), яна бошқа ҳолларда эса мураккаб илмий услубга яқинлашиши мумкин. Мазкур хусусиятларнинг бари испан публицистик услубнинг лексик хусусиятларига тегишли.

Жумладан, **сўзлашув услубидаги гаплар:** *Que la reina Letizia cuida al milímetro la elección del calzado, no es novedad; Ya se sabe, Letizia es experta en comunicar a través del look (Telva, 10.10.2023); Muere Maya Villalobo, la española de 19 años desaparecida tras el ataque de Hamás en Israel (Marca, 11.10.2023); мураккаб илмий услубдаги гаплар:* *Los lectores de EL MUNDO opinan sobre la investidura de Pedro Sánchez, la posible concesión de la amnistía, el papel de las diputaciones provinciales y el premio Nobel de la paz a una represaliada por el régimen iraní; Las diputaciones provinciales se crearon en 1835, bajo el mandato de Javier de Burgos, para otorgar a las provincias una cierta autonomía y mejor gestión administrativa. En cada provincia se creó una diputación provincial (El mundo, 08.10.2023).*

Демак, газета-журналистик услубнинг лингвистик воситалари, айниқса, лексик, тадқиқотчилар томонидан қайд этилган иккита асосий хусусиятга эга.

**Биринчи хусусият:** штамплар, қолип сўзлар, атамалар ва бошқа лексик белгиларнинг ўзгармаслиги билан боғлиқ.

**Иккинчи хусусият:** тилнинг ҳаракатчанлиги билан боғлиқ бўлиб, ўзлашма сўзлар ва неологизмлар туфайли номинатив бирликлар камровининг кенгайишида намоён бўлади.

Маълумки, газеталар ахборот маконида ва оммавий нутқда муҳим роль ўйнайди, шунингдек, бизни долзарб янгиликлар, турли воқеалар ва масалалар бўйича таҳлил материаллар билан таъминлайди. Шунинг учун ҳам газета

матнини стандартлаштириш алоқанинг муҳим жиҳатига айланади, бу маълумот узатишнинг тушунарлилиги, аниқлиги ва самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Стандартлаштиришнинг асосий тамойилларидан бири грамматик қоидалар ва тиниш белгиларига риоя қилишдир. Зеро, грамматик тўғрилиқ матннинг тушунарлилигини таъминлайди ва мумкин бўлган ноаниқликлар ёки нотўғри талқинларнинг олдини олишга ёрдам беради. Бундан ташқари, тиниш белгиларидан тўғри фойдаланиш матнни тузиш ва унинг жумлалар ва параграфлар каби семантик бирликларини белгилаш имконини беради.

Газета матнини стандартлаштиришнинг яна бир муҳим жиҳати-тақдимотнинг тушунарлилиги ва изчиллигидир. Газета мақолалари ўқувчилар тақдим этилган маълумотларни осонгина тушунадиган тарзда ёзилиши керак. Бунинг учун матннинг аниқ тузилиши, фикрларнинг изчил ривожланиши ва тушунарли тилдан фойдаланиш талаб этилади.

Газета матнини стандартлаштириш, шунингдек, холис услуб ва ифода аниқлигини танлашни ўз ичига олади. Газеталар кўпинча турли нуқтаи назар ва фикрларни тақдим этади, шунинг учун объективлик ва бетарафликни акс эттирувчи тилдан фойдаланиш муҳимдир. Бунга ҳаддан ташқари таъсирчанликдан қочиш ва аниқ формулалардан фойдаланиш орқали эришилади.

Масалан: *Narges Mohammadi está en la cárcel por ser activista de los derechos humanos y periodista en Irán. Ha sido arrestada y condenada, entre otros cargos, por fundar y dirigir el Centro de Defensores de los Derechos Humanos y participar en una campaña contra la pena de muerte. Mohammadi ha sido galardonada con el Premio Nobel de la Paz 2023 por su lucha contra la opresión de las mujeres en Irán y su defensa de los derechos humanos y la libertad para todos (El mundo, 08.10.2023).*

Бундан ташқари, испан газеталарининг матнини стандартлаштириш журналистиканинг ахлоқий меъёрларига риоя қилишни ҳам ўз ичига олади. Журналистлар холислик, ишонччилик ва эркинлик тамойилларига амал қилишлари, шунингдек, шахснинг шахсий ҳаёти ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари керак. Ушбу ахлоқий меъёрлар ахборот манбаи сифатида китобхонлар ва жамоатчиликнинг газеталарга бўлган ишончини сақлашга ёрдам беради.

Испанлар миллий характеридан келиб чиққан ҳолда кўпинча ифодавий луғатдан фойдаланишади. Сўнгги пайтларда сўзлашув нутқида, биринчи навбатда, ёшлар орасида, балки аҳолининг бошқа қатламлари орасида инвектив луғат ва вулгар-экспрессив ранг бериш билан кўплаб ҳақоратли иборалардан фойдаланиш кескин ошди. Ушбу ҳодиса турли соҳаларда бундай сўз

бирикмаларидан фойдаланишнинг кенгайишини ва жамиятнинг ижтимоий тенденциялари ҳамда хусусиятларини акс эттиради.

Жумладан, *Y condeno el régimen de **apartheid** que, durante décadas, sufre la población de esa inmensa cárcel que es la Franja (El país, 13.10.2023); La compañía se dedica a negocios de crecimiento como la ciberseguridad, el **cloud**, el internet de las cosas (IoT) y el **big data**; “Eres mi chute de energía” (El país, 05.10.2023); El líder de los icónicos Slowdive, considerado en más de una ocasión el mejor **songwriter** británico (El país, 16.09.2023); La popular pomada menorquina la actualizan en clave **collins**, con soda de limón; el marianito ha pasado a ser una media combinación, más alargado y complejo, con Amer Picón, piel de naranja y de limón, triple seco y hojas de hierbabuena; el negroni lo hacen con **brandy** Fundador y **bitter** Fusetti (El país, 02.09.2023); Pero esto nos hace caer a veces en el “**wishful thinking**” (los buenos deseos), y lo que nos sobra de buena voluntad nos falta en la precisión de propuestas (El país, 13.10.2023).*

Испан газеталари юқори даражадаги экспрессивлик билан ажралиб туради, бу уларнинг тил услубининг муҳим хусусияти ҳисобланади. Ушбу контекстдаги экспрессивлик маълумотни етказиш ва турли нуқтаи назарларни ифодалаш учун ёрқин, ҳиссий жиҳатдан ифодали луғатдан фойдаланишни англатади: *La Princesa de Asturias, de aquí, fue la protagonista de la Fiesta Nacional y el antagonista, Pedro Sánchez, al que pitaron y gritaron: «Puigdemont a prisión y que te vote Txapote». Aunque lo que vale es lo que se vota, no lo que se grita, quizás el... (El mundo, 13.10.2023).*

Бундай юқори экспрессивлик сабабларидан бири испан жамиятининг маданий контекстидир. Испанлар ўзларининг ҳиссиётлари ва эҳтирослари билан танилган ҳамда ушбу хусусиятлар миллат тилида ҳам акс этади. Газеталар оммавий нутқда муҳим роль ўйнайди ва экспрессив луғатдан фойдаланиш уларга испан маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ифода этиш имконини беради. Испан газеталарининг экспрессивлиги уларнинг эътиборини жалб қилиш ва ўқувчиларнинг ҳиссий муносабатини уйғотиш мақсади билан ҳам боғлиқ: *El portavoz ha pedido al ejército israelí que dé marcha atrás a la decisión para “evitar que una situación que ya es una **tragedia** se convierta en un desastre” (El país, 13.10.2023).*

Испан газеталарида экспрессивлик испанларнинг маданият, сиёсат ва бошқа долзарб масалаларга бўлган иштиёқи ва кучини кўрсатади. Бу муаллифларнинг мавзуга бўлган ҳиссий муносабатини ифодалаш ва фаоллаштириш имконини беради. Айниқса, газета муаллифларининг муносабати ва жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш мақсади уларнинг шарҳ ва фикр жанрларидаги материалларида яққол сезилади. Масалан, *Europa*



*necesita hablar con una sola voz para resultar creíble. Europa ha vuelto a exhibir su brecha interna y su falta de reflejos para actuar como un bloque en la respuesta al ataque de Hamas contra Israel (El mundo, 11.10.2023).*

Аммо шуни таъкидлаш керакки, испан газеталарининг экспрессивлиги ўзининг салбий жиҳатига ҳам эга бўлиши мумкин. Баъзан бу ҳаддан ташқари ҳиссиёт ва субъективликка олиб келиши мумкин, бу эса ахборот узатишнинг объективлиги ва аниқлигига таъсир қилиши мумкин.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES):**

- [1] – Grijelmo Alex, El estilo del periodista. Madrid, Taurus, 2001.
- [2] – Ferraro, Rita Giovana M. Análisis contrastivo español/portugués de unidades fraseológicas. Tesis de doctorado. – Cádiz, 2005.
- [3] – Martinez Albertos, J. L. El lenguaje periodístico. – Madrid: Paraninfo, 1989.
- [4] – Nuñez Ladeveze, L. El lenguaje de los “media”. – Madrid: Pirámide, 1991.
- [5] – Santamaria, M. L. El comentario periodístico. Los géneros persuasivos. – Madrid: Paraninfo, 1990.

